

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Валишер Элмуродович Абиров ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....	5
2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....	13
3. Феруза Парходовна Атамуратова ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....	21
4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....	28
5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ....	35
6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ТУРКИСТОН ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....	40
7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....	46
8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI (davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....	53
9. Феруза Хаятовна Бобожонова БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....	58
10. Omon Olimjonovich Gadayev MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....	65
11. Дилорам Зияева МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ. ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҚИССАСИ.....	71
12. Farxod Sobirovich Ziyayev TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI QUROLI HARAKAT.....	77
13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....	84

14. Baxtiyor Safarovich Nazirov JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI QARASHLARI.....	109
15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	114
16. Дилорам Сангирова ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....	120
17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....	130
18. Фазилат Нормуродовна Тургунова СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	142
19. Баходир Босимович Тўйчибоев ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ MASALALARI ХУСУСИДА.....	147
20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154	154
21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN O‘RGANILISHI.....	159
22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР MASALALARНИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	170
23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI MANBALARIDAN FOYDALANISH.....	177
24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR (Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida).....	182
25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....	187
26. Алишер Яркулов АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....	195
27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....	202



Рустам Абдуваид ўғли Нёматов,
 Гулистон давлат университети
 Тарих кафедраси ўқитувчиси
 rnematov60@gmail.com

ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

For citation: Rustam A. Nematov, A STUDY OF THE SOCIO-POLITICAL HISTORY OF THE KHORAZM OASIS DURING THE PERIOD OF THE TURKISH RULE. Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.114-119

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072217>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ғарбий Турк хоқонлиги даврида Хоразм воҳасида кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва этномаданий жараёнлар масаласи, воҳанинг тарихий-географик ўрни, воҳадаги йирик аҳоли масканлари, шаҳар ва қишлоқларнинг локализацияси ва хоқонликда тутган ўрни ёзма манбалар ва археологик материаллар асосида илмий нуқтани назардан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Турк хоқонлиги, Хоразм воҳаси, Ғ.Бобоёров тадқиқотлари, хитой йилномалари, ёзма манбалар, бошқарув марказлари, илмий тадқиқотлар, Арман манбалари, юнон манбалари.

Рустам Абдуваид ўғли Нёматов,
 Гулистанский государственный университет
 преподаватель кафедры истории
 rnematov60@gmail.com

ИЗУЧЕНИЕ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ ХОРЕЗМИЙСКОГО ОАЗИСА ВО ВРЕМЕНА ТЮРКСКОГО КАГАНАТА

АННОТАЦИЯ

В данной статье социально-политические, экономические и этнокультурные процессы в Хорезмском оазисе в период Западнотюркского ханства, историко-географическое место оазиса, локализация в оазисе крупных поселений, городов и селений, их роль в ханства анализируются с научной точки зрения на основе письменных источников и археологических материалов.

Ключевые слова: Турецкое ханство, Хорезмский оазис, исследования Г.Бобоёрова, китайские хроники, письменные источники, административные центры, научные исследования, армянские источники, греческие источники.

Rustam A. Nematov,
Gulistan State University
Teacher of the Department of History
rnematov60@gmail.com

A STUDY OF THE SOCIO-POLITICAL HISTORY OF THE KHORAZM OASIS DURING THE PERIOD OF THE TURKISH RULE

ABSTRACT

In this article, socio-political, economic and ethno-cultural processes in the Khorezm oasis during the Western Turkic khanate, the historical-geographical place of the oasis, the localization of large settlements, cities and villages in the oasis, and their role in the khanate are analyzed from a scientific point of view based on written sources and archaeological materials.

Index Terms: Turkish Khanate, Khorezm Oasis, G. Boboyorov's studies, Chinese chronicles, written sources, administrative centers, scientific researches, Armenian sources, Greek sources.

1. Долзарблиги:

Ўрта Осиё тарихида муҳим ўрин тутган Турк хоқонлиги(552-744) давлатининг ташкил топиши ўзбек давлатчилигида тутган ўрни, географик жойлашуви ва маъмурий бошқаруви ҳақида турли хил ёзма манбалар ҳозирги кунимизгача асосан хитой, хинд, арман, суғд манбалари орқали етиб келган. Буюк Турк хоқонлигининг таркибий бир қисми бўлмиш Ғарбий Турк хоқонлиги Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Боиси, қарийб икки юз йил мобайнида мазкур минтақанинг Ғарбий Олтой қисмидан то Қора денгизнинг шимолигача, Волга–Урал бўйларида то Шимолий Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда ўз ҳокимиятини барпо этган хоқонлик таркибига Сирдарё–Амударё оралигидаги Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Тўхористон ва Хоразм каби воҳа ҳукмдорликлари кирар эди. Маълумки, мазкур воҳалар географик жиҳатдан, асосан, бугунги Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Аввало, бу даврда минтақамиздаги давлатчилик жараёнлари айнан Ғарбий Турк хоқонлиги фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечган, хоқонликка хос давлатчилик анъаналари эса айнан мамлакатимизда барпо этилган бир қатор давлатлар учун тамал тоши бўлиб хизмат қилган. Демак, хоқонликнинг давлат тузумини ўрганиш халқимиз давлатчилиги тарихини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур илмий мақолада, хоқонликнинг кунботардаги тармоғи бўлмиш Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740) даврида Хоразм воҳасида кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва этномаданий жараёнлар масаласи чуқур илмий-тарихий ёзма манбалар орқали таҳлил муаллиф томонидан таҳлил этилади[1].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқотнинг методологияси анализ ва синтез, тадрижийлик, тарихий-қиёсий, объективлик, даврий-муаммовий ва ретроспектив таҳлил етишга асосланади. Бугунги кунда дунё фанида тарихий тадқиқотлар бўйича қўлга киритилаётган ютуқ ва янгиликлардан, айниқса, кўпчилик дунё олимлари томонидан қабул қилинган тадқиқот усуллари ва ёндашувлардан имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қилинди. Тадқиқот ёндашувларига асосланган ҳолда умумжаҳон тарихий жараёнлар доирасида Илк ўрта асрларда Хоразм воҳаси тарихининг концептуал масалалари қараб чиқилади. Тадқиқот вазифаларининг амалга оширилиши Марказий Осиё тарихида мавжуд бўлган туркий давлатчилик анъаналари ва бошқарув тузумини тадқиқ етишда муайян даражада хизмат қилади.

Ғарбий Турк хоқонлиги даврида Хоразм воҳасининг хоқонлик билан алоқалар мавзуси анча кам ўрганилган. Яъни Хоразмнинг илк ўрта асрлар даври тарихи бўйича изланишлар юритган С.П.Толстов, Я.Ғуломов[2], Вайнберг, А.В.Гудкова каби тадқиқотчилар бу даврга бирмунча тўхталиб ўтган бўлсалар-да, айнан Турк хоқонлиги ва Хоразм орасидаги сиёсий алоқалар масаласи бугунгача оз ёритилган масалалардан бири сифатида ўз долзарблигини сақлаб турибди. Яқин йилларда Ғ.Бобоёров томонидан эълон қилинган “Турк хоқонлиги даврида Хоразм” номли илмий мақолада воҳа ва хоқонлик ўртасидаги сиёсий алоқалар

бирмунча таҳлил қилинган бўлишига қарамай, хоқонлик ва Хоразм орасидаги ўзаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва этномаданий муносабатлар айнан қандай бўлгани масаласи очиқ қолмоқда.

Хоразм воҳасининг исломдан олдинги даврлари, хусусан, илк ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий тарихи бўйича олиб борилган илмий изланишларни шартли равишда Чор Россияси даври, Советлар даври ва мустақил йилларидаги тадқиқотлар деб 3 та гуруҳга бўлиш, шунингдек хорижда ўрганилишини ҳам ушбу гуруҳлар билан бирга қараб чиқиш керак бўлади. Улардан дастлабки даврида асосан В.В.Бартольд[3] исломдан олдинги Хоразм тарихига, хусусан, воҳанинг тарихий-географик ўрни, воҳадаги йирик аҳоли масканлари, шаҳар ва қишлоқларнинг локализациясига эътибор қаратган бўлса, совет даврида С.П.Толстов, Я.Ғуломов[4] каби ушбу воҳада тўғридан-тўғри илмий изланишлар, археологик қазилма ишлари олиб бориб, ёзма манбалар ва археологик материалларни ўзаро таққослаб бу даврга оид муайян маълумотларни қўлга киритганликлари билинади.

XX асрнинг бошларидан бугунги кунгача ўтган деярли юз йиллик бир вақт кесимида В.В.Бартольд, Э.Шаванн, Л.Н.Гумилев[5] каби тадқиқотчилар бошлаб берган ва кейинчалик юқорида исмлари келтириб ўтилган тадқиқотчилар томонидан илк ўрта асрларда Хоразм воҳасида кечган ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар бирмунча ёритиб ўтилган. Жумладан, хитой йилномаларидаги маълумотларни араб ва форс тилларидаги маълумотлар билан солиштириб “Ғарбий турклар тарихига оид ҳужжатлар” деган монографияни ёзган Э.Шаванн Хоразм воҳаси ва унга яқин ҳудудларнинг сиёсий ҳаётини ҳам қисқача ёритиб ўтган. Л.Н.Гумилев эса Турк хоқонлигининг бутун сиёсий тарихини ёритиш мобайнида айрим ўринлардагина ушбу воҳада кечган жараёнларга тўхталган. Булар қаторига суғдшунос О.И.Смирнованинг изланишларини ҳам киритиш мумкин. Гарчи у Хоразм бўйича махсус тадқиқотлар амалга оширмаган бўлса-да, исломдан олдинги сулолалар, шу жумладан, Суғд, Бухоро, Чоч ва Хоразмда ҳукм сурган Чжаову хонадони ҳақидаги фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир.

3. Тадқиқот натижалари:

Илмий мақолада таҳлил ва натижалар шундан далолат берадики, бир қатор тадқиқотларнинг мазмун-моҳиятига хоқонлик ва Хоразм алоқалари мисолида қисқача кўз югуртирилганда қуйидагича манзара кўзга ташланади:

1) Турк хоқонлиги давридан олдин ҳам, хоқонлик даврида ҳам Хоразм воҳасида ўзига хос давлатчилик анъаналари мавжуд бўлиб, воҳада Африғийлар деган маҳаллий сулола ҳукм сурган ва ушбу сулола хоқонлиқдани кейин ҳам ўз бошқарувини сақлаб қолган;

2) Турк хоқонлиги Хоразмни ўз қўл остига олган бўлса-да, хоқонлар бу ернинг ички ишларига деярли аралашмасдан маҳаллий сулола – Африғийлардан ўлпон олиш билан чекланганлар.

Шу билан бирга, бу даврга тегишли ёзма манбаларнинг озлиги сабабли тадқиқотчиларнинг кўпчилиги хоқонлик ва Хоразм орасидаги ўзаро алоқаларга нисбатан анча кам эътибор қаратганликларига дуч келинади. Яъни XX аср бошларидан бугунгача Ўрта Осиё воҳаларидаги сиёсий уюшмалар тарихини ўрганган тадқиқотчиларнинг кўпчилиги Турк хоқонлиги ва унинг таркибидаги вассал ҳукмдорликлар тарихини ёритар экан Чоч (Тошкент), Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро ва Тохаристон билан хоқонлик орасида йўлга қўйилган алоқаларга кўпроқ тўхталганликлари, Хоразм воҳаси эса бирмунча назардан четда қолганини айтиб ўтиш керак. Бунинг негизида бизнингча бир неча омиллар ётиб, биринчидан, бу масалани ёритувчи ёзма манбаларнинг камлиги бўлса, иккинчидан, “хоқонлиқнинг ўз вассаллари устидаги назорати анча заиф бўлган, хоқонлик бошқарувчилари асосан улардан ўлпон олиш билан чекланиб, уларнинг ички ишларига аралашмаган” деган бирёқламали қарашлар ўз таъсирини кўрсатган.

Хоразм воҳаси Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарув марказлари бўлмиш Суяб (Оқ-бешим / Қирғизистон), Жабғукат (Чоч)дан анча узоқ жойлашгани хоқонлик ва Хоразм орасида ўзаро муносабатларга ўз таъсирини кўрсатган бўлиши керак. Шу туфайли бўлса керак, Турк хоқонлиги – Чоч, хоқонлик – Фарғона, хоқонлик – Суғд ва ҳоказолардан бирмунча фарқли

холда бу масала Хоразм мисолида деярли кўриб чиқилмаганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, бошқа тарихий-географик вилоят ва ўлкалардан фарқли ўлароқ Хоразмнинг исломдан олдинги тарихини ёритувчи тарихий маълумотлар анча оз етиб келганлиги учун бу масалани тўлақонли ёритиш имкони йўқдек кўринади. Бироқ шунга қарамай, узук-юлук бўлса-да, бугунгача сақланиб қолган айрим ёзма маълумотлар ва археологик материалларни ўзаро таққослаб ўрганиш орқали Турк хоқонлиги – Хоразм алоқаларининг умумий мазмун-моҳияти ҳақида айрим тасаввурларга эга бўлиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Мустақиллик йилларида Турк хоқонлиги ва унинг вассаллар бошқарувчи масаласида бир қатор илмий изланишлар олиб борилгани кўзга ташланади. Айниқса, Ўзбекистон бу мавзуда олиб борилаётган илмий изланишларнинг салмоғи анча кенг эканини айтиб ўтиш зарур. Жумладан, Ғ.Бобоёровнинг “Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми” мавзусидаги докторлик ишида хоқонликка бўйсунган бошқа бир қатор воҳа ҳукмдорликлари каби Хоразм бошқаруви ҳам қисқача тўхталиб ўтилган[6]. Шунингдек, Қ.Алманов Ғарбий Турк хоқонлигининг Уструшонадаги[7], С.Сулаймонова хоқонликнинг Суғд воҳасидаги, Я.Муҳаммадиев[8] Чоч воҳасидаги хоқонлик бошқаруви ва У.Холмуминов хоқонликнинг Фарғона водийсидаги бошқарув тизими бўйича ёзган диссертация ишлари бунга яққол мисол бўла олади. Бундан ташқари, Ф.Джуманиязованинг илк ўрта асрларда Тоҳаристон ва Кобулда туркий сулолалар бошқаруви масаласига бағишланган диссертация ишида Ғарбий Турк хоқонлигининг вассаллар бошқаруви масаласи анча кенг ёритилган. Аслида хоқонликнинг Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга қўшни ҳудудлардаги бошқаруви бўйича махсус тадқиқотлар XX асрнинг сўнгги йилларига тўғри келиб, А.Маликовнинг диссертация ва мақолаларини, шунингдек, Ш.Одиловнинг бир қатор илмий ишларини бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Шу билан бирга, Хоразмга ўхшаш воҳа ҳукмдорликлардан бири бўлмиш Суғд воҳасининг ички бошқаруви ва хоқонлик билан муносабатлари масаласи Б.Ғойибовнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Бундан ташқари, А.Сандибоевнинг Маймурғ мулклиги бўйича яқинда эълон қилинган илмий монографияси ҳам исломдан олдинги, хусусан, Турк хоқонлиги даврида минтақада мавжуд бўлган кичик ҳукмдорликлар ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида муайян тасаввурлар бериши билан диққатни тортади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, юқорида келтириб ўтилган илмий тадқиқотларнинг айримларини айтмаганда, кўпчилигида Хоразм воҳасида Турк хоқонлиги фаолиятига жуда қисқа эътибор қаратилган. Тақдиқотчиларнинг кўпчилиги айримлари истисно, ўша кезларда Хоразм Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Тоҳаристон, Бухоро каби воҳа ҳукмдорлиги – мулкдорлик бўлгани, улар каби маҳаллий сулола томонидан бошқарилган Хоразмнинг хоқонликка ўлпон тўлаб тургани ва ички ишларида деярли мустақил бўлганига урғу бериб ўтишган.

Шунга қарамай, ушбу тадқиқотчиларнинг изланишларига Хоразм воҳасидаги мавжуд ижтимоий-сиёсий ва маъмурий тизим, танга зарби, Хоразм ва хоқонлик алоқалари, сюзерен ва вассал муносабатлари, ички ва ташқи сиёсатнинг мазмун-моҳиятини ёритишда амалий ёрдам берадиган илмий ишлар сифатида фойданиш мумкин. Чунки, айтиб ўтилган тадқиқотчилар Ўрта Осиёдаги воҳа ҳукмдорликларидан бирортасининг ижтимоий-сиёсий ва маъмурий тузилишини махсус ўрганган бўлиб, бундай ёндашув Хоразм воҳаси тарихини ёритишда ҳам асқотади, деб ўйлаймиз.

Исломдан олдинги Хоразм воҳаси тарихи ва унинг хоқонлик билан алоқалари масаласи хорижда ҳам бирмунча ўрганилган бўлиб, айрим изланишлардагина воҳа ва хоқонлик муносабатлари қисқача ёритилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, америкалик тадқиқотчилар П.Б.Голден (1992), Ж.К.Скэфф (2002), германиялик З.Штарк, франциялик Э.де ла Весиер ва б.ларнинг ишларида хоқонликнинг бошқаруви ёритилар экан, хоқонлик таркибидаги вассал ҳукмдорликларга ҳам бирмунча эътибор қаратилган. Бироқ ушбу тадқиқотчиларнинг бирортаси бу масалада Хоразм воҳасига деярли тўхталмаганликларини кўзга ташланади.

Умуман олганда, айрим истисноларни айтмаганда, Ғарбий Турк хоқонлигининг Хоразм воҳасини айнан қачон ўз қўл остига олгани, бу ернинг бошқарувида қандай усул ва

воситаларни жорий қилгани, воҳада хоқонлик бошқарувининг жорий қилган илк йиллари ва хоқонлик сиёсий таъсирининг воҳада айнан қачон барҳам топгани каби масалалар деярли ўрганилмаган. Аслида эса ёзма манбалар ва археологик материаллар асосида бу бўйича муайян тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Шу ўринда аввало, Хоразм воҳасида Турк хоқонлиги ҳокимияти айнан қачон ва қай шаклда ўрнатилгани, аниқроғи, хоқонлик бу ҳудудни қайси йилларда қўлга киритгани масаласида тақдқиқотчиларнинг кўпчилиги бир хил фикрда экани кўзга ташланади. Гарчи ёзма манбаларда тўғридан-тўғри маълумотлар учрамаса ҳам 560-йилларнинг ўрталарида Турк хоқонлиги Сосонийлар билан иттифоқчиликда Нахшаб атрофида Ёфталийлар давлатига зарба бергач, Ўрта Осиёдаги Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд ва Бухоро хоқонлик қўл остига ўтади, Тохаристон ва атрофлари эса Сосонийлар томонидан эгалланади. Ана шу воқеликлар чоғида Хоразм ҳам хоқонлик таркибига кўшиб олинган деб қаралади.

Арман манбаларидан бири «Ашхарауцц»да келтирилган қуйидаги маълумотлардан Хоразм ва унга шимолдан қўшни ҳудудлар, хусусан, Қуйи Амударё, Оролбўйи ва Қуйи Сирдарё ҳавзаларидаги ҳудудларнинг хоқонлик ҳудудига кирганини англашилади: «*Скифия, яъни Апахтарк, ки бу Турклар (мамлакати)дир, Этил (Волга дарёси)дан бошланади ва Эмавон (Помир ёки Ҳимолай?)га бориб етади, ундан Чинлар мамлакатигача чўзилади. . . Скифияда 44 та халқ яшайди: сугдийлар, тўхорлар, ёфталийлар ва бошқа варварча исмли халқлар*» мазмундаги маълумотдан арман муаллифларининг «Скифия», «Туркистон» ва «Турклар мамлакати» атамалари остида Турк хоқонлигини ифодалашгани ва ушбу давлат таркибида кўплаб халқлар, жумладан, суғдийлар, тўхористонликлар, ёфталитлар ва бошқа бир қатор этнослар вассал ҳолатда яшаганликларига урғу беришганини англаш мумкин[9]. Маълумки, Этил дарёси Волга дарёсининг қадимги давр ва ўрта асрлардаги туркийча номи бўлиб, арман муаллифлари «Апахтарк», яъни Туркистоннинг ушбу дарёнинг кунчиқар томонидан бошланиб, унинг чегаралари шарқда Эмавон (Помир ёки Ҳимолай?) тоғлари ва ҳатто Чин (Хитой)гача чўзилгани, Волга ва Эмавон тоғлари орасида суғдийлар, тохарлар, ёфталийлар ва бошқа кўплаб номлардаги элатлар яшашини қайд этишидан келиб чиқилса, Хоразм ҳам Туркистон – Турк хоқонлиги таркибидаги ўлкаларда бири бўлгани англашилади.

Шунингдек, юнон манбаларида Византия элчилари 560- йилларнинг охирилари – 570 йиллар мобайнида Турк хоқонлигига ташриф буюриб, қайтиб кетишганда вассал ҳукмдорликларнинг ҳам Византияга элчи юборишга изн сўраб хоқонликка мурожаат қилиши қисқача баён этилиб, турк хоқони мавжуд вассал (ҳукмдорликлар)дан фақат Хвалис (Хоразм)ликларга элчи юбориш учун рухсат бергани эслатилади[10]. Бу каби маълумотларни чуқур таҳлил қилиш орқали Хоразм ва хоқонлик муносабатларининг мазмун-моҳиятини ёритиш мумкин. Бундан ташқари, Табарий ва бошқа араб манбаларида турк хоқонлари ва хоразм ҳукмдорлари орасидаги муносабатларга доир маълумотларни ўзаро таққослаш орқали ҳам бу масалани ёритиш имконияти бор.

4.Хулосалар:

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Фарбий Турк хоқонлиги даврида Хоразм воҳасининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти, хоқонлик ва Хоразм орасидаги ўзаро муносабатлар масаласи бўйича шу пайтгача махсус тадқиқотлар олиб борилмагани сабабли бу борада аниқ бир тўхтамга келиш бирмунча қийин. Айтиб ўтилган қисқача фикрлар эса масалани тўлақонли қамраб олмаган. Келгусида ёзма манбалар ва археологик материалларни ўзаро солиштирган ҳолда бу масалага аниқлик киритиш мумкин.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Nematov, R. A., & Almanov's, Q. O. (2022). THE ROLE OF HISTORICAL SOURCES IN THE STUDY OF THE HISTORY OF THE TURKISH EMPIRE. American Journal Of Social Sciences And Humanity Research, 2(10), 25-31.
2. Kanimkulov, O. S. (2022, September). YAHYO GULOMOV IS THE ORGANIZER OF THE NATIONAL HISTORIAN-ARCHAEOLOGIST PERSONNEL TRAINING. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 186-188).

3. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Бартольд В.В. Сочинение. Том I. – М.: Изд. Вост.лит., 1963. – С. 197-211 (Barthold V.V. Turkestan v epokh mongolskogo nashestvie / Bartold V.V. Sochinene. Volume I. – М.: Izd. Vost. lit., 1963. – P. 197-211)
4. Гуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент: ЎзР ФА нашриёти, 1959; Толстов С.П. Монеты шахов древнего Хорезма и древнехорезмийский алфавит // Вестник древней истории, 1938. - № 4 (5). – С. 120-145. (Ghulomov Ya. Khorezm irrigation history. - Tashkent: FA publishing house of UzR, 1959; Tolstov S.P. Monety shakhov drevnego Khorezma and drevnekhorezmiysky alphabet // Vestnik drevney istorii, 1938. - No. 4 (5). - p. 120-145.)
5. Гумилев Л. Н. Древние тюрки. – М.: Наука, 1967. (Gumilev L.N. Old Turk. - М.: Nauka, 1967.)
6. Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Хоразм // Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда. – Тошкент-Урганч, 2019. – Б. 48-50. (Boboyorov G. Khorezm during the Turkish khanate // History of Khorezm in modern studies. - Tashkent-Urganch, 2019. - p. 48-50.)
7. Алманов Қ. Ғарбий Турк хоқонлиги даврида Уструшона. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Қарши, 2021. (Almanov Q. Ustrushona during the Western Turkic Khanate. Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation in History. - Against, 2021.)
8. Мухаммедов Я.К. Чоч воҳасида Ғарбий Турк хоқонлиги бошқаруви. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021. (Muhammedov Ya.K. Administration of the Western Turkic Khaganate in the Choch Oasis. Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation in History. - Tashkent, 2021.)
9. Мкртичан Л.Х. Армянские источники о Средней Азии VIII – VIII вв. – М.: Наука, 1985. – С. 75. (Mkrtichyan L.Kh. Armenian sources about Central Asia VIII - VIII centuries. – М.: Nauka, 1985. – p. 75.)
10. Шювен П. О Византийских посольствах к первым тюркским правителям Согда (Проблемы ономастики и топонимики) // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 1995. – № 1–3. – С. 33–38. (Shuven P. On the Byzantine embassies to the first Turkic rulers of Sogd (Problems of onomastics and toponymy) // Social sciences of Uzbekistan. - Tashkent, 1995. - No. 1–3. – P. 33–38.)
11. OBID, N., ULUGBEK, M., SHAROF, M., & RUSTAM, N. (2022). SOME CONSIDERATIONS OF THE COUNTRY LIFESTYLE DURING THE PERIOD OF PUBLIC COLLECTIVIZATION. International Journal of Intellectual Cultural Heritage, 2(1), 86-94.
12. Nazarov, O. R., & Nematov, R. A. O. (2020). FROM THE HISTORY OF UZBEKISTAN'S COOPERATION WITH UNESCO. Bulletin of Gulistan State University, 2020(4), 45-49.
13. Нёматов, Р. А. У. (2020). Интеллектуальное и культурное наследие узбекского народа. Наука, образование и культура, (4 (48)), 85-87. (Nematov, R. A. U. (2020). Intellectual and cultural heritage of the Uzbek people. Science, education and culture, (4 (48)), 85-87.)

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000